

«АНДИЖОНЁГМОЙ» акциядорлик
жамиятининг таъсисчиларига

«АНДИЖОНЁГМОЙ» акциядорлик жамиятининг 2017 йил учун тузилган молиявий
хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йилнинг 19 июнида берилган ва 2014 йилнинг 27 июнида янгиланган 00392 -сонли лицензияси эгаси-масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROFI AUDIT» аудиторлик жамияти томонидан «АНДИЖОНЁГМОЙ» акциядорлик жамиятининг 2017 йил учун тузилган молиявий хисоботини жамият билан 2018 йилнинг «15» февраль санасида тузилган 05 сонли шартномага асосан 2018 йилнинг «15 февралдан «10» мартга қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик ташкилотининг манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83 уй. ИНН: 203 791 465, ОКОНХ 84400

Тошкент шаҳар, ЎР ТИФ Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасидаги хисоб рақами- 2020 8000 1041 5607 8001, банк коди 00451.

Аудиторлик ташкилотининг директори Маразиков М.М малака сертификати №05424 томонидан хўжалик юритувчи субъект «Андижонёгмой» акциядорлик жамиятининг №1 «Баланс», №2 «Молиявий натижалар» №4 «Пул оқимлари», №5 «Хусусий капитал» дан иборат 2017 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий хисоботларининг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий хисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик жамияти мазкур молиявий хисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий хисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «АНДИЖОНЁГМОЙ» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган молиявий хисоботи унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради ва жамият томонидан 2017 йилда амалга оширилган молиявий-хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни талабларига мувофиқ келади.

МЧЖИ «PROFI AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори,
аудитор

10.03.2018 йил



M. Marazikov

Маразиков М.М